

Сувайд ибн Абдулазиз айтадилар: «Абу Дардо (розияллоху анху) Дамашк жомеъсида бомдод ўкиб колсалар, одамлар унга (Куръон) ўкиб беришини сўраб тўпланиб кетар эдилар. У зот уларни ўнта-ўнта килиб, хар ўн кишига бир ёрдамчиларини бош килиб кўярдилар. Ўзлари эса меҳробда уларни кузатиб турардилар. Бирортаси хато килса, ёрдамчига, агар ёрдамчи хато килса, Абу Дардога (розияллоху анху) мурожаат этар эди. Ибн Омир ўнликка ёрдамчи бош эди. Абу Дардо розияллоху анху вафот этганларида Ибн Омир ўринбосар бўлиб колди».

Саид ибн Абдулазиз Муслим ибн Мишкамдан накл килиб айтади: «Менга Абу Дардо (розияллоху анху): «Мажлисимизда ўтирган кишиларни сана», дедилар. Мен: «Бир минг олти юздан оширок келишибди», дедим. Улар Куръон ўкиб, ўн киши-ўн киши бўлиб мусобака килишарди. Абу Дардо (розияллоху анху) бомдод намозини ўкигач, ортларига ўгирилиб, бир порани ўкир эдилар. Одамлар уни ўраб олиб, тинглар эдилар. Ибн Омир улар ичида энг пешкадами эди».

Хишом ибн Аммор Язид ибн Абу Моликдан, у отасидан килган ривоятда айтади: «Абу Дардо (розияллоху анху) намоздан кейин Куръон ўкитар ва ўзлари ўкир эдилар. Абу Дардо (розияллоху анху) кироат учун Куръонга мухаббатли давраларни жорий килган зотдир».